

Ишлаб чиқаришда бир кун (5+1)

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропоф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан ҳамкорлик алоқалари яши йўлга қўйилган. ТИҚХММИ ни “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси ва Давлат экология қўмитаси ҳузуридаги “Атропоф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган таҳлилий назорат маркази”да кафедра филиали фаолият олиб бормоқда. Институтнинг “Экология ва атропоф муҳит муҳофазаси” таълим йўналиши 4-босқич талабаларига “Атропоф муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш” ҳамда “Канализация ва оқава сувларни тозалаш” фанларидан амалий машғулотлар филиалнинг етук мутахассислари томонидан ўтказиляпти.



Филиалда амалий машғулотлар ҳафтасига 3 мартаба олиб борилиши йўлга қўйилди. Ўқитилаётган фанлардан амалий машғулотлар тугагандан сўнг талабалар қизиқишига кўра кичик гуруҳларга (4-5 тадан) бўлиниб, Марказнинг Оқова сувлар мониторинги ва гидробиологик назорат бўлими, Тупроқнинг ифлосланиши мониторинги ва хроматографик тадқиқотлар бўлими, Атмосфера ҳавосини ифлослантйрувчи манбалар мониторинги бўлими, Фавқулудда вазиятлар ва радиация-экология мониторинги бўлими, Экологик стандартлаштириш, метрология ва назорат-ўлчов асбоб ускуналари бўлимларида марказнинг етакчи мутахассислари устоз-шогирд тизими асосида машғулотлар олиб борилмоқда. Институт ва кафедрамиз номидан ушбу амалий машғулотларни сифатли ва қизиқарли қилиб ўтказишда барча шароитларни яратиб берганлиги туфайли Марказ директори Р.Х.Файзиевга, Х.Асилбековага, Ш.Усмоновага ўз миннатдорчилиги билдиради.



ТИҚХММИ матбуот хизмати